

## Намозга айтиладиган азонни эшитасанми?

09:05 / 30.03.2018 3500

Яна у кишидан ривоят қилинади:

“Бир кўзи ожиз киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мениг етаклаб масждига олиб борувчи кишим йўқ», деб, у зотдан (масждига бормасдан) уйда намоз ўқишга рухсат сўради. У зот кўзи ожиз кишига рухсат бердилар. У киши энди орқа ўгириб кетатган эди, у зот уни чақириб: «**Намозга айтиладиган азонни эшитасанми?**» дедилар. У киши: «Ҳа», деб жавоб берган эди, у зот: «(Унда масжидга бормаслигингга рухсат йўқ. Муаззининг азонига) **жавоб қил**», деб айтдилар.

Имом Муслим ривоятлари.